



YOSHLAR OVOZI

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!



ЮКСАК МАРРА НИШОНАСИ

Ёшлар ижод саройида “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди



Тарихнинг барча даврларида ҳам ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш, билими ва дунёқарашини кенгайтириш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш муҳим вазифа бўлиб келган. Мустақил юртимизда эса, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу сабаб янги гоя ва ташаббусларим билан юртимни ривожлантираман, деган йигит-қизлар учун барча шароитлар муҳайё.

Тақдирлаш маросими мана шундай ёшларнинг шиддатига шиддат қўшди, десак асло муволага бўлмайди. Жорий йилда илм-фан, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, журналистика, кишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда юксак марраларни забт этган, Ватан шарафини юксалтиришга бел боғлаган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, шунингдек, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларимизнинг мустахкамланишига муносиб улуш қўшаётган 41 нафар тенгдошимизга “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони топширилди.

Тақдирланганлар орасида Иттифок тизимида самарали меҳнат

қилиб, тенгдошларига ибрат кўрсатган, инсонни кутқариш учун ҳаётини қурбон қилган марҳум Фуркат Юсупов ҳам бор. У Ёшлар иттифокнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида матбуот котиби вазифасида фаолият кўрсатарди. Юксак мукофотни шу мард ўғлоннинг онаси Сайёра Атабоева қабул қилиб олганда барчанинг кўзига ёш келди. Йиғилганлар шундай фарзандни воёга етказган инсонга самимий ташаккурини билдирди.

“Ўзбекистон белгиси”га сазовор бўлган ёшлар саҳнага чиқар экан, ҳар бирининг юзида чексиз қувонч, ифтихор ва ҳаяжон ифодаланди. Улар орасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистранти Жаҳонгир Ортиқбоев ҳам бор.

— Талабалик давримда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимларида томошабин сифатида иштирок этардим, — дейди у. — Ўша кезларда мукофотни кўлига олган тенгдошларимнинг жўшиб гапиршига ҳавас қилганман. Улар ўрнида бўлишни хоҳлардим. Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 26 йиллиги олди-

дан орзуим амалга ошди. Шу кунга қадар қатор маҳаллий ва ҳалқаро конференцияларда иштирок этдим. Ҳозирда Республика ихтисослаштирилган реабилитация марказида ишлайман, Шу билан бирга, Тошкент педиатрия тиббиёт институти терапия кафедрасида ассистентман. Терапия ва кардиология йўналишида илмий изланишлар олиб бораман. Мазкур ютуқ мени янада юксак чўққилар сари етаклайди.

Тадбирда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндорлари юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, бундан буён ҳам мамлакат равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан асло толмаслигини айтди.

— Ватан ҳимояси учун ҳар биримиз масъул, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бошқармаси катта офицери Умиджон Ҳасанов. — Камтарона хизматини юқори баҳоланганидан хурсандман. Бугун менга топширилган “Ўзбекистон белгиси” аслида барча сафдошларимнинг ютуғидир. Ҳозирги пайтда Куролли Кучлар тизимида ҳам Ёшлар иттифокнинг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Улар ҳарбийларимиз учун керак. Масалан, Миллий гвардия тизимида 27 та бошланғич ташкилот тузилган. Уларга 4 минг 930 нафар ҳарбий аъзо. Куролли Кучларда хизмат қилаётган мард, жасур ёшларни ягона мақсад — Ватан равнақи йўлида бирлаштириш бизнинг устувор вазифамиз саналади.

Тадбир якунида намоиш этилган санъат усталари иштирокидаги концерт барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Шерзод МАҲМУДОВ



ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ: бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ!

Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Минглаб китоблар жамланган зиё масканлари, замонавий спорт иншоотлари эртаминг эгалари хизматиде. Аксарият йигит-қизлар мана шундай беқис имкониятларга муносиб бўла оляпти, албатта.

Бирок беш қўл баробар эмас. Бугун ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилаётгани аччиқ ҳақиқат. Мазкур кўрсаткич 34,4 фоизга етган. “Касалли даволагандан кўра, олдини олган маъқул”, дейди донолар. Биз жиноят билан курашишни айнан шу йўлни танладик.

Кунни кеча Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган “Мамлакатимизда жиноятчиликни олдини олишнинг долзарб масалалари ва келгусидаги

вазифалар” мавзусидаги республика анжуманида мазкур йўналишдаги ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббусига кўра ташкил этилган тадбирда ёшлар масаласига маъқул давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари, Иттифокнинг худудий кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда ички ишлар бошқармалари бошқаруви ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Бу — катта салмоқ. Унинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишига йўл қўймалик ўта муҳим масала. Бежиз эмаски, юртимизда ёшларга онд

давлат сиёсати доирасида наврасталар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Сир эмас, ёшлар асосан бекорчилиги туфайли жиноят содир этади. Лекин бу ягона сабаб эмас. Профилактика — тушунтириш ва тарғибот ишларида ҳам суътақшилик бор. Муаммога ечим топиш мақсадида Ёшлар иттифоқи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган сайё-харакатларни кучайтирмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида худудларда 8 минг 700 дан зиёд тарғибот тадбири ўтказилиб, уларга 1 миллион 600 минг нафарга яқин ёш жалб қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

SHU SONGA XABAR

Қодирий 125 ёшга тўлади

Ўзбек романчилиги асосчиси, забардаст ёзувчи ва публицистнинг юбилейни кенг нишонлаш келаси йилга мўлжалланган. Тегишли фармойиш ҳукумат томонидан қабул қилинди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида (эндиликда у шаҳар ҳокимлиги тасарруфига ўтказилмоқда) адибнинг хайкали ўрнатилади. Адабий музей, ижодий мактаб ҳамда



кутубхона барпо этилади. У яшаб ижод этган хонадон эса, уй-музейга айлантирилади.

Шунингдек, юртимиз театрларида Қодирий асарлари асосида спектакллар сахналаштирилади. Апрель ойида Абдулла Қодирий ижодининг маънавий-маърифий ахамиятига доир илмий анжумани ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Ўз ахборотимиз

XALQARO HAMKORLIK

GERMANIYA DELEGACIYASI КУТИБ ОЛИНДИ



Германия Федератив Республикасининг Техник ёрдам агентлиги (ТНВ-Јugend) делегацияси Ўзбекистонда Ёшлар туризми ривожига ҳисса қўшиш мақсадида юртимизга ташриф буюрди. Миссия 13 декабрга қадар давом этади.

Илк кунни хоржий ташкилотнинг тўрт нафар ходими Ўзбекистон

ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида бўлди. Шунингдек, Чилонзор туманидаги Ёшлар қоворқин маркази фаолияти билан яқиндан танилиди.

Маълумот ўрнида айтиш керак, ТНВ-Јugend олмон ёшларининг кўнгилли уюшмаси саналади. Унинг 15 минг нафарга яқин аъзоси

мавжуд. Йигит-қизлар учун фавқуллода вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш ва кутқарув фаолиятига доир турли машғулотлар олиб борилади. Ташкилот ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

— Турли шаҳарлар, оромгоҳларда ёшлар учун сайёр йиғилиш ва семинарлар, тарғибот тадбирларини ўтказамиз, — дейди делегация аъзоси Шмигт Ёнас Кристоф. — Халқаро миқёсдаги мусобакамиз ҳам бор.

Ташриф доирасида ТНВ-Јugend вакиллари Самарқанд ва Бухорога ҳам сەҳаҳат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг худудий бошқармалари, қолаверса, намунали хизмат қилаётган “Хавфсиз худуд посбонлари” фаолиятини ўрганади. Шу билан бирга, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган.

Мухбиримиз

Янги институт ташкил этилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимизда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича Омбудсман институтини ташкил этиш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси раиси, халқаро эксперт Рината Винтер иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, бо-

лалар ва ёшлар ҳуқуқларини химоя қилиш институтини такомиллаштириш орқали мамлакатда ҳуқуқий химоя механизмининг янада мустахкамлаш мумкин. Бу кўпгина давлатлар тажрибасида ўз тасдиғини топган. Қолаверса, алоҳида Омбудсман институтини жорий этиш жамиятда болалар ҳуқуқ ва эркинликларни химоясига эътиборнинг янада кучайишига ҳам олиб келади.

— Айни пайтда ташкилотимиз қошида ўттиздан зиёд тузилма фа-

олият кўрсатаяпти, — таъкидлади Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттахонова. — Ҳар бири ёшларнинг муайян қатламлари билан ишлайди. Шу аснода йигит-қизларнинг муаммолари ўрганилмоқда. Муҳими, ҳеч ким эътиборсиз қолаётгани йўқ. Ҳайратанг, янги Омбудсман ёшлар манфаатлари йўлидаги ишларимизни янада жонлантиришга тўртки беради.

Давра суҳбати давомида “Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, уни такомиллаштиришга доир тақриф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Отабек РЎЗИЕВ,
адлия кичик маслаҳатчиси

(Бошланиши 1-саҳифада)

ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ: бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ!



2018 йилда ЁШЛАР ИТТИФОҚИ 732 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗНИНГ ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБДАН ЧИҚИШИ, 386 НАФАРНИНГ ЭСА, КАФИЛЛИК АСОСИДА СУД ЗАЛИДАН ОЗОД ЭТИЛИШИГА ЭРИШДИ

Хукукбузарликларнинг олдини олиш бўйича ички ишлар органларига кўмаклашиш мақсадида Ёшлар иттифокнинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари қошида 443 та "Жасорат" клуби ташкил қилинди. Ушбу тузилмаларга муддатли ҳарбий хизматдан

кайтган 9 минг 700 нафарга яқин ўғлон аъзо қилинди. Қувонарлиси уларнинг сая-ҳаракати билан кўплаб кўнгилсиз ҳолатлар бартараф этилмоқда.

Статистикага кўра, мамлакатимизда жиноят ва хукукбузарликларнинг

27,6 фоизи ишсиз, маслаксиз ёшлар томонидан содир этилмоқда. Шу боис ёшлар масаласига масъул ташкилот ва идоралар бундай қатламни касб-ҳунарли қилиш ва бандлигини таъминлашга астойдил бел боғлаган. Масалан, Ёшлар иттифоқи вақтинча ишсиз ёшларни "Фидойи ёшлар отрядлари"га кўнгилли сифатида бириктириб, пахта йиғим-терими, шунингдек, "Обод қишлоқ" дастури доирасидаги мавсумий ишларга жалб қилмоқда.

Адашганларни тўғри йўлга бошлаш, ҳулқ-атворини ўнғилишига имкон бериш халқимизга хос эзгу фазилат. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи масъуллари ҳам мана шу мезонга таяниб, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган 2 минг 225 нафар вояга етмаган ёш билан профилактик суҳбат ўтказди, орзу-истакларини ўрганди. Натижادا 732 нафар йигит-қиз профилактик ҳисобдан чиқарилди. Ҳозирда барчаси ишга жойлаштирилган.

Бундан ташқари, адашиб жиноят кўчасига кирган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 386 нафар навраста Ёшлар иттифоқи кафилигига олинди, аксарияти иш билан таъминланди. Ҳар бирига Темурбеклар мактаби, ҳарбий қисм офицерлари ёки ёшлар етакчилари масъул этиб бириктирилди. Бундай эзгу ташаббус кўплаб оилаларга қувонч олиб кирди, қанчадан-қанча ота-оналар фарзанди дийдорига тўйиб яшайдиган бўлди. Мухими, суд залидан озод этилган тенгдошларимиз бугун мутлақо бошқа одамага айланган.

Яна бир маълумот. Йил мобайнида Ёшлар иттифоқи носоглом оилаларда тарбияланаётган, жиноятга мойиллиги



ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ХУКУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАНЛАРНИНГ 275 НАФАРИ МАКТАБ, 421 НАФАРИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИСИ БЎЛГАН

бор 55 минг нафарга яқин наврастани барча ҳудудларда фаолият кўрсатаётган Ёшлар марказларидаги тўғаракларга жалб қилиб, касб-ҳунар эгаллашига ёрдам берди. Қолаверса, жазо муддатини ўтаётган 10 минг нафарга яқин ёш билан учрашувлар ўтказилиб, китоблар совға қилинди.

Анжуманда айрим мутасаддилар ёшлар ўртасида хукукбузарлик ва жиноятчилик профилактикаси масаласига эътиборсиз бўлаётгани танқид қилинди. Хусусан, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида мазкур йўналишдаги ишлар самардорлигини янада ошириш зарурлиги кайд этилди. 2019 йил учун ҳамкорликдаги иш режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Яқунда иштирокчиларга Ёшлар иттифоқи томонидан мавзу юзасидан тайёрланган қўлланмалар тарқатилди.

Жавлон БАФОБЕВ




риш бўйича Республика кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Олий суд, Ташки иктисодий фаолият миллий банки билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумлари доирасида ижро этилаётган вазифалар ёшларни иш билан таъминлаш, касб ва ҳунар эгаллаши учун муносиб шароит яратиш, муҳими, жиноят ва хукукбузарликларни эрта пайкаб, бартараф этишга хизмат қилмоқда.

ESHITDINGIZMI?

АЛЛЕРГЕНЛАР ПАСПОРТГА КИРИТИЛАДИ

Н.БАХОДИРОВА

Ўзбекистонда илк бор фуқаролар учун индивидуал аллергия таъсирчанлик паспортлари яратилмоқда. Улар 2019 йил январь ойидан пластик карталар кўринишида (суратга қаранг) истеъмолга чиқарилади.



Лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан халқаро экспертлар кўмағида амалга оширилмоқда.

Ноёб ҳужжатта индивид соғлиғига ҳавф тузирувчи аллергиялар (улар махсус молекуляр таҳлил натижасида аниқланади) ҳақидаги тўлиқ маълумот киритилади. Паспорт ўзбек, инглиз ва рус тилларида бўлиб, керакли ахборотни электрон шаклда, тезкор ўқиб олиш ҳам мумкин. Шу мақсадда пластик картанинг орқа томонида QR-код тасвири акс эттирилади.

Юртимизда аллергия паспортини ишлаб чиқиш зарурати аҳоли, айниқса, болалар ўртасида озик-овқат аллергиясининг оғир шакллари, жумладан, астма ҳасталиги ва анафилаксия ҳолати кўпайгани билан тақозоланди. Аллергияга мойиллиги бор инсон, турган гапни, кундалик рационидан муайян озик-овқат маҳ-

сулотларини истисно қилиши лозим. Айнан қайсиларини, деган саволга яқин истикболда шахснинг аллергия паспортини "варақлаб" жавоб топиш имкони туғилади.

Инновацион лойиҳага жалб этилган Вена тиббиёт университети профессори, молекуляр алергология соҳасидаги етакчи олим Рудольф Валента ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг халқаро эксперти Виктория Гариб аллергия таъсирчанлик паспортни Ўзбекистонни персоналлаштирилган тиббиётга яқинлаштиришни кайд этди.

Таъкидлаш жоиз, шахсий аллергия паспортда жамланадиган маълумотлар аллергияни тўғри даволаш, эрта босқичда тўхтатиш ёки зўрайишига йўл қўймастик учун жуда муҳимдир. Улар нафақат шифокор, балки беморнинг ўзи ва яқинларига ҳам асқатади.

OGONLIK — DAVR TALABI

Термиз туманидаги 22-умумтаълим мактабида "Гиёҳвандлик — аср вабоси" мавзусида тарғибот тадбири ташкил этилди. Унда Ёшлар иттифокнинг ҳудудий кенгаши, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА

ИЛЛАТГА МУНОСАБАТ

Мулоқот давомида ёшлар "аср вабоси" дея аталган ОИТС касаллиги ҳамда гиёҳвандликнинг ҳалокатли оқибатларидан огоҳ этилиб, шу икки иллатга қарши курашиш бўйича керакли таъсирчанлик берилди. Мавзуга доир видеофильм

намойиши ҳам бўлиб ўтди. Шундан сўнг ўқувчи ва талабалар ўртасида эълон қилинган расмлар танловига яқун ясалди. Ҳолилар Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

SENING TENGDOSHING

ФЕРМЕР ИССИҚХОНА ҚУРДИ

Зулайхо ЗАЙНИТДИНОВА

Учқўрғонлик Муҳаммадқобил Машарипов ерга меҳр қўйган инсонлардан. Ҳозирда у "Янги авлод" фермер хўжалигини бошқармоқда. 23 ёшли тенгдошимиз эл дастурхонига кишин-ёзин сархил мевалару шифобахш полиз экинларини етказиб беришга астойдил бел боғлаган.

Муҳаммадқобил Ёшлар иттифоқи кўмағида имтиёзли кредит олиб, бир гектар майдонда қиймати 500 миллион



сўмлик иссиқхона барпо этди.

Шу чоккача ёш фермер 15 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлаган бўлса, энди ишчи-ҳодимлар сони яна 9 нафарга кўпаяди.

КИТОБ ЎҚИГАН СОВҒА ОЛДИ

Бекзод КОДИРОВ



Жорий йилда юртимиздаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири — Ўзбекистон металлургия комбинатида китоб дўкони очилгани ҳақида хабар берган эдик. Ишчи ва ҳодимларни мутолаага кенг жалб қилиш мақсадида корхонада 22 мингта яқин адабиётни ўзида жамлаган мўъжаз кутубхона ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унинг хизматидан 1 минг 700

нафар тенгдошимиз ишдан бўш вақтида фойдаланади.

Қуни кеча комбинат қасаба уюшмаси кўмитаси энг фаол китобхонларни тақдирлади. Турли цехларда жавлон уриб меҳнат қилаётган Гуломжон Мўминов, Маърифат Донаева, Алмардон Қарабаев, Шерали Холматов, Раҳима Умарова ҳамда Айгул Мустафоевага махсус диплом ва бадий асарлар тўпламлари топширилди.

Аграр соҳа ривожиди ёшлар ҳиссаси

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Президентимиз ташаббуси билан декабрь ойининг иккинчи яқинида — Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни, деб белгиланган эди. Шу байрам муносабати билан Тошкент давлат аграр университетда "Ўзбекистон ёшлари: Аграр соҳа ривожиди менинг ҳиссам" мавзусида икtidорли талабаларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари иштирок этди. Асосий мақсад қишлоқ меҳнатқашларининг аҳоли фаровонлигига қўшаётган ҳиссасини кадрлаш, рағбатлантириш, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилаётганини эътироф этишдан иборат. Ёшларнинг фермерлар, дехқонлар, механизаторлар, пиллакор, чорвадорлар, қишлоқ тадбиркорлари, аграр секторда фаолият юритиётган мутахассислар амалиёти ва тажрибалари билан ўртоқлашиши учун амалий

чоралар кўрилди. Конференция давомида Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станцияси ҳудудида талабалар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан яқиндан танишилди. Бугунги кун ютуқлари, натижалар, келгусидаги режалар таҳлил этилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида таҳсил олаётган ёшлар олимлари томонидан ўрганилди ва фикрлар билдирилди.



Qo'ldan tushmas do'mbirasi

Surxondaryo — dovrug'i yetti iqlimga ketgan baxshichilik san'atining ko'hna makonidir. Bu o'lkang shunday noyob iste'dodlari borki, hali maktab o'qiboq "Alpomish"u "Go'ro'g'li"larni yod ola boshlaydi. Katta-katta dostonlarni do'mbira jo'rfigida kuyga solib, ijro etishga havasmand.

Termizlik Husan Musayev 8 yoshda.


Voha baxshichilik maktabining yorqin vakili — Muhammadbaxshi Eshboev qo'lida saboq olmoqda. Qunti baland, zehni o'tkir, ovozi jo'shqin o'quvchilardan. Juda ko'p tanlovlarda ishtirok etgan. Mana, yaqinda Yoshlar ittifoqining "Kamalak" yulduzlari ko'rik-tanlovida ham muvaffaqiyatli qatnashdi.

— Ko'pchilik tengdoshlar menga

havas qiladi, — deydi Husanjon. — Qanchasiga do'mbira chalishni o'rgatdim. Ba'zilar hozir musiqa bilan jiddiy shug'ullanmoqda. Kelajakda Shoberdi baxshi kabi ustoz san'atkor darajasiga yetmoqchiman. Baxshichilik an'analarimiz haqida butun dunyo bilishini xohlayman!

Rohatoy QODIROVA

BILIMDONLIK MASHQLARI



KROSSVORD. Eniga: 1. O'zbekiston va Tojikiston Respublikalari chegarasida, Surxondaryo va Kofimihon daryolari oralig'ida joylashgan tizma tog'. 4. Erta bahorda ochiladigan to'q safsarrang, xushbo'y gul. 10. Alisher Navoiyning "Mezon ul-avzon" asarida yozilishi bo'yicha "vodiy", "rukn", "ustun" ma'nolarini anglatuvchi she'riy o'lchov, vazn. 11. Orasida bir ayg'iri bor biyalar to'dasi. 12. Yurtimizda mustaqillik yillarida yo'lga qo'yilgan tezyurur elektr poyezd nomi. 15. Damli-klavishi, trubalarga yuborilgan havo yordamida chalinadigan Yevropa qit'asiga xos musiqa asbobi. 16. Xitoy tilidan tarjima qilinganda "xamir va go'sht" ma'nosi-

ni anglatuvchi tansiq taom. 17. Joyni rejaga olishda qalin chizma qog'ozni mahkamlab qo'yish uchun ishlatiladigan yuqqa to'rtburchak moslama. 19. Kiyik yoki ohuning yosh bolasi. 20. Muayyan fikr, mulohaza yoki qonunning matematik belgilari orqali ifodasi, har qanday qisqa fikr. 24. Matematika fanining sohasi. 25. O'zbekistonda o'tgan asrning 50-yillaridan tarqalgan, chumchuqsimonlar oilasiga mansub sayroqi o'troq qush. 26. O'yish xususiyatiga ega kimyoviy modda. 30. Dehli shahrida yashab o'tgan, Maxfiy taxallusi bilan ijod qilgan ma'rifatparvar shoira, Boburiylar sulolasidan bo'lgan Avrangzebning qizi. 32. Sport musobaqalarida-

gi yutuqni aniqlash uchun beriladigan hisob birligi. 33. Havo tarkibida bo'ladigan rangsiz va hisdsiz gaz. 34. Vatanimiz janubidagi tuman. 35. Murakkab gimnastika mashqlarini g'oyat ephillik va mohirlik bilan bajaruvchi sirk artisti.

Bo'yiga: 2. Ko'chmanchi chorvadorlar istiqomat qiladigan manzilgoh. 3. Kishi xizmatlarini taqdirlash uchun beriladigan narsa, sovg'a. 5. Xudoyberdi To'xtaboyevning "Qasoskorning oltin boshi" romani qahramoni. 6. Ipakdan to'qiladigan gazlama. 7. O'zbekistonda ko'p yetishtirilayotgan yirik bug'doy navi. 8. G'ujumi uzunchoq, o'rtapishar, xo'raki uzum navi. 9. Yer sharining qutb hududlaridan biri. 13. O'zbekistonning birinchi poytaxti. 14. Boshdan kechirilgan voqea-hodisalar bayon etilgan asar. 17. Ipak qurtining mahsuli. 18. Issiq o'lkalardagi botqoqlik va ko'larda yashovchi, boshi tojli ko'chmanchi qush. 21. Insonning yetuk, mukammallik davri. 22. Yer sharining nuxsasi - globusni birinchi bo'lib ixtiro qilgan o'rta asr qomusiy allomasi. 23. Mustaqillik yillarida shahar maqomi berilgan Navoiy viloyatidagi hudud nomi. 27. Qoramtir kumush rangli, turmushda ko'p ishlatiladigan og'ir metall. 28. Harbiy xizmatchi, vatan posboni. 29. Boyo'g'illarning vakili hisoblanuvchi, yirik, yirtqich qush. 31. Umumxalq tilining ma'lum hududga xos tarmog'i, mahalliy til.

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar:

1. Xalq sayllarida chavandozlar ishtirokida o'tkaziladigan qadimgi musobaqa — 5, 6, 19, 5, 1, 3, 2.
2. Mirkarim Osim qalamiga mansub tarixiy qissa — 14, 2, 3, 13, 16.
3. Xorazm viloyatidagi tuman — 11, 13, 21, 13, 10.
4. Avtomobil kuzovining turi — 12, 20, 18, 1, 4.
5. O'quvchilarning bilim darajasiga qarab qo'yiladigan ball — 11, 1, 15, 13.
6. Hikmat: "17, 2, 4 so'z — mo'tabar, yaxshi so'z — muxtasar".
7. Futbolda hisobni o'zgartiradigan holat — 8, 13, 7.
Endi kalit so'zlar orqali shakl atrofidagi muammononani yeching va ulug'hind shoiri hamda mutafakkiri Xisrav Dehlaviy hikmatlaridan birini bilib oling.

Tuzuvchi: Foziljon O'RIFOV.

YOSHLIK ILHOMI

Qulflangan yurak

Madina HOJIYEVA

Maktabning yorug' xonasi. Vaqt buncha ham sekin o'tmasa. Hamma darsda, harflarni o'rganyapti. "A" — ayiq, "b" — banan, "d" — dono... Qizchaga esa, bularning qizig'i yo'q.


Qo'ng'iroq chalindi. U yo'laklardan yugurib, uyiga oshiqdi. Mana, keldi. Deraza tirqishiga berkitilgan kalitni devorga tirmashib oldi. Eshikni ochar ekan, temir kalitning ovozi

uydagi sukunatni buzib yubordi. Qizaloq xonasiga otilib kirdi. O'zini karavotga otdi. Piq-piq yig'ladi. Ko'zlari tokchada turgan suratga tushdi. Ko'z yoshlari to'xtadi. Suratni qattiq bag'riga bosdi. Yolg'izlik... Yana qancha vaqt unga hamrohlik qilar ekan-a? Qizcha deraza oldiga borib, osmonga tikildi. Qalbida nihoyasi yo'q sog'inch. Vaqt uning diyor onlarini o'g'irlyayapti. Hayot ota-onasini ish, mehnat, moddiy ehtiyojlar bilan band etib, yuragiga qulf solgan.

O'QING, BU QIZIQ!



Futboldagi kartochkalar sveto-ranglari (sariq va qizil) ishoralarning ma'nosidan kelib chiqib tanlangan.



Hozirgi raketalarining qadimgi "ajdodlari" X-XII asrlarda yaratilgan bo'lib, faqat bayram mushakbozliklarida ishlatilgan.

SIZ NIMA DEYSIZ?

"DADAM yomon ko'rmaydimi?!"

Shohrux IBODULLAYEV

Ishdan juda charchab keldim. Oshxonada choy ichib o'tirar ekanman, jiyanim Shahnoza oldimga yugurib keldi.

— Amaki, do'xtir bo'lsam, dadam meni yomon ko'rmaydimi? — dedi dabrurustdan.

Ozroq o'ylanib javob berdim:

— Yo'q, albatta. Aksincha, xursand bo'ladi.

Bu gaplarni eshitgach, jiyanim "Ura!" deb yubordi.

Hayron qoldim. Kelinoyim do'kondan kelgach, bo'lgan voqeani gapirib berdim.

— Ha, shumtaka-yey, — dedi u boshini sarak-sarak qilib.

— Kecha desangiz, televizorda bir qo'shiqqa raqqosa qizlar berilib o'ynayotgan ekan. Kiyimlari yal-yal tovlanardi. Qizimizing havasi keldi.

— Shunaqa kiyim olib beringlar, menda ham opalarimnikiga o'xshagan ko'yak va do'ppi bo'lishini xohlayman! — deb rosa xirxasha qildi. Men esa, bunday

liboslarni faqat raqqosalar kiyishini aytdim. Shahnoza tushmagur: "Unda men ham raqqosa bo'lamani!" — desa bo'ladi. Men bu tanlovni otasi yoqlamasligini, aqlli qizlar jimjimador kiyinib, o'yin-kulgu qilmasligini, onasi, buvisiga yordamlashishi, ukalariga g'amxo'r bo'lishi kerakligini tushuntirdim. Shundan keyin u "orzusi"dan qaytdi.

Do'konga chiqishimdan oldin, Shahnoza shifokor haqida mult-film ko'rayotgandi. Bosh qahramon hammaga birday manzur, undan hamma minnatdor. Shu bois do'xtir bo'lishga qaror qilgandir-da! Faqat, otam qanday munosabat bildirar ekan, deb cho'chib turibdi.

Gap nimadalgini endi tushundim. Kelinoyim choyni yangilab, Shahnozadan xabar olish uchun hovliga chiqdi. Meni esa, o'yg'a qoldim: kasbning yaxshi-yomon, pok-nopoki yo'q-ku, axir. Har kim o'ziga to'g'ri, imon-e'tiqodli, or-nomusli bo'lsa, halol yashasa, el-ichida, albatta, e'zoz-topadi. Siz nima deysiz, tengdoshim?

DILDAGI GAPLAR



Dilfuza JAMOLOVA, talaba

Umr — g'animat. Ammo uning nechog'liq bebaho ekanini ko'pchiligimiz anglamaymiz ham. Ba'zilar hayotini befoya amallarga sarflaydi, yelga sovradi. Inson umrini daraxtga qiyoslash mumkin. Har daraxt unib-o'sib, shirin mevalar tugishi uchun yaxshilab parvarishlanishi kerak. Xuddi shu kabi jamiyatga kerakli shaxs bo'lish uchun puxta bilim olish, sabr-toqatli, imon-e'tiqodli, irodali bo'lish zarur. "Umr — oqar daryo", deydi. U to'lg'onib, tinadi, goh sokin, goh toshqindir. Daryoda suzish uchun esa, tinimsiz harakat va mehnat talab etiladi. Sinov va mashaqqatlarni yengishga intilsak, oqimga qarshi suzsag-u, bosh-

qalarni g'arq qilishga urinsak, oxir-oqibat, o'zimiz halokatga uchrashimiz muqarrar. Qalbni tilka-pora qiladigan vijdon azobida qolmaslik uchun faqat yaxshi amallar qilmoq joiz. Qo'ldan kelganча odamlar og'irini yengil qil-sak, duosini olsak, ikki dunyo saodati bizga, albatta, nasib etadi.

Kapalarni ko'rganmisiz? Parvo-zini-chi, kuzatganmisiz hech? Ushbu nozik xilqatga qarab ko'zingiz quvnaydi, shirin xayollar og'ushiga cho'masiz. Qalbimiz tub-tubidagi g'am-g'ussa-yu g'uborlar birpas-da tarqab, quvonch hissini tuyamiz.

Kapalak juda qisqa umr ko'rsa-da, hayot go'zalligidan bahra olib, har daqiqani g'animat biladi — zavq bilan yashaydi!

Bir lahz... Shugina muddatda

Goh sokin, goh toshqin

Ulamolardan biri behuda ishlar bilan shug'ullanayotgan yoshlar yonidan o'tayotib, afsus bilan: "Eh, qani endi vaqt sotilganida, ularning vaqtini, albatta, sotib olgan bo'lardim", — degan ekan.

Hayotning har lahzasi go'zal, Umrning har dami g'animat...

Quloqlarimizga tanish bo'lib qolgan ushbu misralar vaqtni qadrlashga undaydi. Hayot — aziz ne'mat. Ezgulikka chog'lanaylik, do'stlar, illo, bizdan keyin yaxshilik qolsin.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHIRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi
Javlon Vafoyev

"YOSHLAR OVOZI"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Qizil rangda o'qish uchun QR kodini telefoningizga o'rnatib oling.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishgan narxda.

Buyurtma G-1236
Adadi — 11057

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 22.50
O'ZA yekuni — 21.20

Ofset usulida bosilgan.

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

1 2 3 4 5